

эгаллади. Назорат гуруҳидаги бузоқларда тажриба охирида иштаҳанинг 100 фоизга пасайганлиги, умумий аҳволнинг ҳам 100 фоизга қониқарсиз эканлиги, пульс ва нафас сонининг эса меъёр чегарасидан ошганлиги, шиллиқ пардаларнинг 100 фоиз оқариши қайд этилди. Тажриба гуруҳидаги бузоқларда тажриба охирида ушбу кўрсаткичларнинг мўътадиллашиши кузатилди.

Бузоқлардан олинган қон намуналарини морфологик ва биокимёвий текшириш натижалари 2-жадвалда берилган.

2-жадвал

Тажрибадаги бузоқлар қонининг морфобиокимёвий кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Текшириш вақти	Эритроцит, млн/мкл	Гемоглобин, г/л	Глюкоза, ммоль/л	Умумий оксил, г/л
1-гуруҳ (назорат)	ТБ	4,64	84,4	2,08	78,5
	ТО	5,84	107,5	2,60	82,9
2-гуруҳ (тажриба)	ТБ	4,83	85,7	2,02	78,2
	ТО	4,41	81,5	1,89	64,5

Тажриба гуруҳидаги бузоқларда гематологик кўрсаткичлар тажрибаларнинг бошидаги кўрсаткичларга нисбатан эритроцитлар сонини ўртача 1,2 млн/мкл га, гемоглобинни - 23,1 г/л, глюкозани - 0,98 ммоль/л, умумий оксилни - 4 г/л га кўпайиши билан тавсифланди.

Бузоқлар қонидаги умумий кальций миқдори тажрибаларнинг бошида ўртача 2,06 ммоль/л ни ташкил этган бўлса, тажрибаларнинг охирига келиб бу кўрсаткичнинг ўртача 2,46 ммоль/л га кўпайиши характерли бўлди. Анорганик фосфорни шунга мос равишда 1,24 ммоль/л дан 1,44 ммоль/л гача кўпайиши кузатилди.

3-жадвал

Тажрибадаги бузоқлар қонининг минерал кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Текшириш вақти	Умумий кальций, ммоль/л	Анорганик фосфор, ммоль/л
Тажриба	ТБ	2,06	1,24
	ТО	2,46	1,44
Назорат	ТБ	2,08	1,28
	ТО	1,98	1,21

Хулоса килиб айтганда, бузоқларда Д-гиповитаминозни гуруҳли-профилактик даволаш учун 1 таблеткадан (0,25 г дан) кунига 2 марта сутга аралаштирилган ҳолда 60 кун давомида Фитин препаратини ичириш организмда қон ҳосил бўлишини рағбатлантиради, суяк тўқималарининг ўсиши ва ривожланишини кучайтиради ҳамда нерв тизимининг фаолиятини яхшилади.

УДК.619:616.993.192.615.22/28

СИГИРЛАРНИНГ ЙЎЛДОШ УШЛАНИБ ҚОЛИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Очилов Ж.Н., Қўлдошев О.Ў.

Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Аннотация; Мақолада сигирлар туққандан кейинги йўлдош ушланиб қолишини олдини олишда плоцентин ва селен препаратларининг сутдан чиқарилган туқ бўғоз сигирларга қўллаб самараси ўрганилган.

Калит сўзлар: сигир, тана, тухумдон, йўлдош, жинсий аъзо, гипофункция, атония, гипотония ва субинволюция, плацентин, селен.

Кириш. Охирги 4-5 йиллик илмий-тадқиқотлар ва кузатишлар шуни кўрсатдики, сут-товар фермаларида сигир ва қочириш ёшидаги таналарнинг сонлари тобора кўпайиши билан уларнинг маҳсулдорлиги кўрсаткичлари кескин пасайиб кетмоқда. Кўпгина хўжаликларда сигир ва ғунажинлар туққандан кейин тез куйга келмайдилар 4-5 ой ва ундан ҳам кўпроқ қисир қолиб юрадилар.

Буларнинг асосий сабаблари ем хашак танқислиги ва уларнинг таркибида микроэлиментлар (марганец, рух, мис, йод, темир ва ҳок.), витаминлар (А, Д, Е ва бошқ.) етишмаслиги, молларнинг бир жойда яйратмасдан боқилиши ва ҳоказолар, қайсиларки туққандан кейин йўлдош ушланиб қолишига, жинсий аъзолар гипофункциясига, атония, гипотония ва субинволюция касалликлари билан касалланишга олиб келади. Ўшанда кўпинча бачадон ва бошқа органлар яллиғланади, вақтида самарали усуллар билан даволанмаса сурункали шаклга ўтиб, тухумдонларнинг фаолиятлари (функциясини) бузилишлари билан биргаликда пуштсизлик даврини чўзилишига олиб келади. Йўлдош ушланиб қолиши сигирларда нафақат акушер-гинекологик касалликлари ичида асосий ўринлардан бирини, балким умумий юқумсиз касалликлар орасида ҳам юқори ўринларда туради. Сигирларнинг умумий акушер-гинекологик касалликларнинг 10-23 % ва ундан юқорисини йўлдош ушланиб қолиши ташкил этади.

Б.Ф. Муртазиннинг (2008, 2009, 2013) маълумотларига кўра 100 бош туққан сигирга ўртача 4-5 бошида йўлдош ушланиши кузатилади. Бруцеллез касаллигига носоғлом бўлган хўжаликларда йўлдош ушланиб қолиши туғиш жараёни нормада кечган сигирларда 10-15 фоиздан, 60-70 фоизгача, бола ташлаганларида эса 95-100% да йўлдош ушланиши кузатилади.

Б.М. Эшбўриев (2013) Йўлдош ушланиб қолиши сигирларда нафақат туққандан кейинги акушер-гинекологик касалликларни келтириб чиқаради, бундан ташқари хайвонни маҳсулдорлигини пасайтиради, вақтинчалик ёки бўлмаса умуман қисир қолишига ва юқори маҳсулдор хайвонни брак бўлишига ҳамда охир-оқибат сепсисга айланиб хайвонни ўлимига сабаб бўлади. Бачадонда ушланиб қолган йўлдошни тезкор усулда ажратиб олишда бачадонга микроорганизмлар тушиши эҳтимоли кўпаяди, унинг асорати сифатида эндометритлар, бачадон субинволюцияси ва бепуштлик кузатилиши мумкин. Шунинг учун ушланиб қолган хомила йўлдошини ажратишда консерватив усуллардан фойдаланилади, бу усуллар самара бермаганда йўлдошни кўлда механик йўл билан ажратиб олинади. Хайвонларда йўлдош ушланиб қолишини даволашда иккита консерватив ва оператив усуллар мавжуд. Консерватив даволаш усули хайвон туққандан сўнг 6 соат ўтгандан кейин бошланади, бунда бачадон мускулларини қисқаришини кучайтирувчи препаратлар қўллаш натижасида йўлдошни ўз ҳолича ажралишини таъминлайди.

Йўлдош ушланиб қолишини олдини олишда ва даволашда ҳар хил воситалар ва шу жумладан нейро-гормонал препаратлар (прозерин, прогистерон, СЖК, синэстрол ва бошқалар) қўлланилади, лекин улар ҳамма вақт ҳам кутиладиган натижаларни бермайди, чунки керакли макро ва микро-элиментлар етишмаса молларнинг организмида модда алмашинувлари бузилади ва ҳар хил айниқса гинетал аъзоларнинг фаолиятлари кескин пасайиб кетиши ёки умуман бузилиб кетишига олиб келади. Акушер-гинекологик касалликлари кўпинча молларнинг йўлдош ушланиб қолишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу касалликка жиддий эътибор қилинади.

Сигирларнинг йўлдош ушланиб қолишини олдини олиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари Самарқанд вилояти Пайариқ ва Тайлоқ туманларидаги чорвачилик хўжаликлар сут-товар фермаларида тажрибалар олиб борилди.

Бунинг учун фермалардаги сутдан чиқарилган тўқ бўғоз 49 бош голштинлаштирилган 4-5 ёшда бўлган, семизлиги ўртача, ўртадан юқори бўлган тирик вазни 450-500 кг бўлган сутдан чиқарилган сигирларда олиб борилди. Сигирлар умумий подадан ажратилиб алоҳида сақлаш ва озиклантирилиб 4-та гуруҳга бўлинди.

Плацентин ва селен препаратларини йўлдош ушланиб қолишини олдини олишдаги самараси.

Қўлланилган препаратларни номлари	Моллар Бош сони	Тажрибаларнинг натижалари									
		Йўлдош ушланди		Қочирилди		Оталанди		Қайта қочирилди		Қисир колди	
		бош	фоиз	бош	фоиз	бош	фоиз	бош	фоиз	бош	фоиз
Плацентин	12	2	16,6	8	66,6	3	25	5	41,7	5	41,7
Селен	10	1	10	9	90	5	50	4	40	1	10
Плацентин ва селен	12	-	-	12	100	8	66,6	4	33,4	-	-
Назоратдаги гуруҳ	15	4	26,7	7	33,3	3	20	4	26,7	8	53,3

Биринчи гуруҳ молларга (12 бош) такомиллаштирилган плацентин препарати (плацента экстракти ва қўшимчалар) 20-25 мл. дан бўйин қисмини тери остига 2 марта, ҳар 14-15 кун оралиғида туққунга қадар юборилди.

Иккинчи гуруҳдаги молларга (10 бош) Е-Селин (селенинг натрий тузи-селенит натрий) микроэлименти -0,5 фоизли сувдаги эритмаси 5-7 мл. миқдорда бир марта мускул орасига жўнатилди.

Учунчи гуруҳдаги (12 бош) бўғоз сигирларга плацентин ва селен юқорида кўрсатилгандек қўлланди.

Тўртинчи гуруҳдаги (15 бош) сигирлар назоратда бўлиб, бу сигирларга ҳеч нарса қўлланмади.

Натижада плацентин ва селен препаратлари самараси назорат гуруҳидаги моллардан икки баробар юқори бўлиши аниқланди.

Плацентиндан ҳам антиоксидант селен микроэлиментининг самарадорлиги юқори эканлиги аниқланди. Агар плацентиндан кейин 2-бош туққан сигирларнинг (16,6 фоизи) йўлдоши ушланиб қолинган бўлса, селенни қўллагандан кейин фақат 1 бош сигирда (10 фоизи) йўлдош ушланиб қолди. Назорат гуруҳида эса 15 сигирдан 4 тасида (26,7 фоизи) йўлдошлари ушланиб қолиб, эндометрит касаллиги билан касалландилар. Энг яхши натижалар селенни плацентин препарати билан бирга қўлланилганда олинди ва бунда 12 сигирдан биттасида ҳам йўлдош ушланиб қолиши кузатилмади, 100 фоиз моллар куйга келиб қочирилди.

Хулоса: Тажибадан маълум бўлдики плацентин ва селен препарати юборилган 12 бош сигирларда туққандан кейин йўлдош ушланиши кузатилмади биринчи қочиришда 8 боши оталанди (66,6 фоиз), назорат гуруҳида эса 4 бош сигирда йўлдош ушланиши кузатилиб (26,6%) фақат 3 бош сигир яъни 20% оталанди ва 8 бош сигир (53,3 фоиз) қисир қолди. Юқоридагиларни инобатга олиб сигирларнинг туғишини енгил кечишида, туққандан кейин йўлдоши ушланиб қолишининг олдини олишда ва туққанидан кейин куйга келиши кунларини қискартиришда сутдан чиққан тўқ бўғоз сигирларга селен ва плацентин препаратлари билан биргаликда қўлланилганда ижобий натижалар берди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Норбоев Қ.Н., Сулоймонов М.А., Худойбердиев Г. Сигирларда алиментар бепуштликнинг тарқалиши ва диагностикаси. // Зооветеринария. 2017. № 4. С. 21-22.
2. Норбоев Қ.Н., Эшбўриев С.Б. Влияние полиминеральных подкормок на клинико-физиологические показатели коров. // Зооветеринария. - Тошкент, 2013, - № 10. - Б. 18-19.
3. Эшбўриев Б.М., Эшбўриев С.Б. Профилактика микроэлементозов у коров в фермерских хозяйствах Узбекистана // "Вестник ветеринарии". Российская Федерация. 2013. № 3. С. 68-70.

4. Эшбўриев Б.М., Эшбўриев С.Б. Сутдан чиқарилган бўғоз сигирларда микроэлементозларнинг сабаблари, патогенези ва гурухли профилактикаси // Зооветеринария. - Тошкент, 2013. - №5. Б.24-25.

5. Муртазин Б.Ф. Экологические проблемы симтоматического бесплодия крупного рогатого скота. // Тошкент. - Ж. Зооветеринария. 2008. - №10. Б.-32.

6. Муртазин Б.Ф. ва бош. Сигирларнинг жинсий фаолиятини табиий восита ва усуллар билан тиклаб кучайтириш. Тошкент. Ж. Зооветеринария. 2013 №11. 20-25 б.

7. Муртазин Б.Ф. Эндометритни бартараф этиш йўллари. Тошкент. Ж. Зооветеринария. 2008. № 4. 25-27 б.

8. Муртазин Б.Ф. Сигир ва гуножинларда учрайдиган эндометрит касалликлари. Тошкент. - Ж. Зооветеринария. 2008. № 6. 29-31 б.

УДК: 619.616.989.2.75

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХАЙВОНЛАРИНИНГ ПАСТЕРЕЛЛЁЗ, САЛЬМОНЕЛЛЁЗ ВА КОЛИБАКТЕРИОЗИГА ҚАРШИ ГОА ФОРМАЛ ВАКЦИНАСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИ

Элмуродов Б.А., Наврузов Н., Набиева Н., Шералиева И., Пўлатов Ф.С.

Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Аннотация: Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги ҳайвонларнинг инфекцион касалликларини чорвачилик хўжалиklarига катта иқтисодий зарар келтириши тугрисида ҳамда мазкур касалликларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистонда илк марта барча қишлоқ хўжалик ҳайвонларнинг пастереллёз, сальмонеллёз ва колибактериоз касалликларини олдини олиш мақсадида поливалент ГОА формал вакцина яратилиб, биологик синовлардан ўтган вакцинанинг иммуногенлигини 9 бош қўйларда тажриба қўйиш орқали самарадорлиги ёритилган.

Калит сўзлар: Пастереллёз, сальмонеллёз, колибактериоз, инфекция, вакцина, поливалентли вакцина, тажриба ва самара.

Кириш. Республика Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил июндаги ПФ-3026 сонли қарори Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига декон ва фермер хўжалиklarида чорва молларни кўпайтириш ва рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги ўта муҳим қарори ветеринария мутахассислари олдига янги долзарб вазифаларни қўйди.

Чорвачиликни ривожлантиришда ва ретабеллигини оширишда давлат, фермер ҳамда хусусий хўжалиklarда сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги ҳайвонлар сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, соғлом насл олиш, тўғри парваришlash ва касалликлардан сақлаш каби омилларга боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлар орасида тез тарқаладиган хўжаликка катта иқтисодий зарар келтирадиган инфекцион касалликлар ҳисобланади. Инфекцион касалликлардан пастереллёз, сальмонеллёз ва колибактериоз чорва ҳайвонлар орасида аралаш ҳолда учраши 10-12 фоизгача касаллик туфайли ўлиш даражаси 80-85% ни ташкил этади. Касал ҳайвонларни даволаш ва касалликка қарши курашиш тадбирлари учун катта маблағ сарфланади. Касалланиб тузалган ҳайвонлар ўсиш ва ривожланишдан ортда қолади ҳамда ушбу касалликларни ташувчи бўлиб қолади. Мазкур касалликларни олдини олиш ва даволаш учун махсус комплексли биопрепаратлар ишлаб чиқариш ҳозирги кунда долзарб муаммолардан биридир.

Тадқиқот материаллари ва услублари. Ёш ҳайвонлар орасида касалланиш ва ўлим даражаси юқори бўлган хўжалиklarда касалликнинг юқумли бактериал омиллари аниқланди. Ушбу мақсадда хўжаликда мавжуд касал моллардан кон, бурундан олинган